

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАИРОВ ДОСТОН РУСТАМОВИЧ

**ПОДАГРА ВА ЮРАК ҚОН ТОМИР ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИНГ
КОМОРБИД КЕЧУВИ: ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Таиров Достон Рустамович

Подагра ва юрак қон томир зарарланишларининг коморбид кечуви:
диагностика ва даволаш усуллари 4

Таиров Достон Рустамович

Коморбидное течение подагры и сердечно-сосудистых поражений:
диагностика и методы лечения..... 25

Tairov Doston Rustamovich

Comorbid course of gout and cardiovascular disease:
diagnosis and treatment 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАИРОВ ДОСТОН РУСТАМОВИЧ

**ПОДАГРА ВА ЮРАК ҚОН ТОМИР ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИНГ
КОМОРБИД КЕЧУВИ: ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019/4/ PhD/ Тиб1073 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ярмухамедова Саодат Хабибовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Холмурод Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Рязан давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019. Тиб.102.01-рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «28» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 10-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, Тел/факс: (+99866)-233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.М.Шамнев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж.О.Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда подагра касаллигининг тиббий ва ижтимоий долзарблиги аҳоли орасида касалланиш даражасининг йилдан-йилга кўпайиб бориши, беморларнинг меҳнатга лаёқатлилик қобилиятининг пасайиши ва ногиронлик кўрсаткичларининг ошиши билан изоҳланади. Ривожланган мамлакатларда «...подагра касаллиги билан 1% ўрта ёшдаги эркак касалланади... подагра касаллиги билан касалланиш даражаси охирги 30 йилликда 2 баробар ошганлиги аниқланган»¹. Айтилган подагра билан касалланган беморларда юрак қон томир тизими зарарланишларини эрта ташхислаш ва касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш учун патогенетик жihatларини ахамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, касалликнинг қайталанишлар сонини камайтириш, тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда подагра касаллигида коморбид ҳолатда кечувчи юрак қон-томир зарарланишларини эрта босқичларида ташхислаш, касалликни келтириб чиқарувчи ва зўрайиб кечишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада подагра касаллигида юрак қон томир ва бўғим касалликларининг тарқалиши, уларнинг хавф омиллари, қондаги сийдик кислота миқдори, беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан аҳоли орасида подагра касаллигида юрак қон томир тизими зарарланишини эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликни олдини олиш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда подагра касаллигида кардиоваскуляар зарарланишларнинг клиник кечиши ва унинг асосий касаллик оғирлик индекси билан боғлиқлиги, жамланган коронар хавф юқорилиги, чап қоринчанинг структур ва функционал ўзгаришларининг прогностик

¹ Arif B.E., J.Jiaojiao, T.Sitter [et al.].//Genetics of serum urate concentrations and gout in a high-risk population, patients with chronic kidney disease / -DOI 10.1038/s41598-018-31282-z //Sci Rep.-2018.- № 8.- P.131384.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ахамияти, шунингдек диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу Диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахоннинг етакчи илмий марказларида подагра касаллигининг организмдаги метаболик жараёнларнинг бузилиши билан чамбарчас боғлиқлиги ва коморбид ҳолатларни тез-тез учрашига қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг малумотларига биноан подагра касаллиги семизлик, артериал гипертония, 2-тип қандли диабет, метаболик синдром билан бир қаторда келтирилган. Хусусан, М.С. Елисеев ва бошқа муаллифлар маълумотларига кўра, подагра касаллиги билан оғриган беморларнинг 65% юрак қон томир асоратлари сабабли нобуд бўлиши келтириб ўтилади. Бу ҳолатда юрак қон томир асоратларининг асосида атеросклеротик ўзгаришлар асосий ўринни эгаллайди. Кўпгина яқунланган эпидемиологик тадқиқот натижалари, подагра касаллиги билан касалланган беморларда юрак қон томир зарарланишларининг кўп учрашини кўрсатади (W. Sulaiman, N.W. Md Zuki, N. Zamri Arun Kumar [et al.] 2019; И.С. Денисов, М.С.Елисеев, В.Г. Барскова-2013.). Ушбу ҳолатларни инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, юрак қон томир зарарланишлари, метаболик синдром ва подагра касаллигининг биргаликдаги ривожланиши аниқ бир беморда муддатдан олдин ногиронликка ва ҳар хил асоратлар натижасида эрта ўлимга олиб келади.

Бугунги кунда подагра касаллигини тарқалиши, диагностикаси ва клиник кечиши бўйича бутун дунёда, шунингдек МДХ мамлакатларида кенг

ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Касаллик клиник белгиларининг яққоллиги ва диагностика усулларининг такомиллашганига қарамасдан, В.А. Насонов ва ҳаммуаллифларининг текширувларида подагра ташхиси қўйилиши ўртача 8 йилни ташкил этади (В.А. Насонова, В.Г. Барскова. 2018). Бу касалликлардан ўлим кўрсаткичи 54-56% ни, ногиронлик кўрсаткичи эса 40% ни ташкил этади. Шу нарса аниқки, подагра касаллигида ўлимнинг асосий сабаби юрак қон томир зарарланишлари ҳисобланади (В.Г. Барскова, И.С. Денисов, М.С. Элисеев. 2013). Замонавий тушунчаларга кўра гиперурикемия, артериал гипертензия билан оғриган беморларда юрак қон-томир касалликлари ва ўлимнинг асосий хавф омили бўлиб ҳисобланади.(Т. Bardin, P. Richette. 2017; M.N. Essex, M. Hopps, e.J. Bienen et al.-2017).

Мамлакатимизда подагра касаллиги ва сийдик кислота алмашинувининг бузилишлари, подагра касаллигининг юрак қон томир касалликлари билан биргаликда кечуви ва метаболик синдром муаммоларини ўрганган ва бу муаммолар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бораётган бир қатор олимлар шу жумладан проф. Т.С Солиев, проф. Тоиров Э.С, академик Аляви А.Л, проф. Каюмов У.К, лардир. Подагра касаллиги кўпчилик ҳолатларда АГ, метаболик синдром (МС) ва 2-тип қандли диабет касалликлари билан биргаликда кечади (Каюмов У.К. 2019). Ушбу касалликларда қон-томирлардаги атеросклеротик зарарланишлар оқибатида юқори даражадаги юрак қон томир асоратлари келиб чиқиши айтиб ўтилади (Аляви А.Л. 2020).

Охирги йилларда подагра касаллигини ўрганишга кўп этибор қаратилаётганига қарамай, замонавий текширувларда касалликнинг энг оғир асоратлардан бири—кардиоваскуляр зарарланишларнинг клиник, лаборатор ва инструментал белгиларига, бу зарарланишларни асосий касалликнинг оғирлик даражаси ва бошқа йўлдош касалликлар билан биргаликдаги кечувига кам эътибор берилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган подагра касаллигини даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, подагра касаллигини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 “Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” (2018-2021йй) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдром ва кардиоваскуляр зарарланишларнинг подагра касаллиги оғирлик индексига боғлиқлигини баҳолаш орқали диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

подагра касаллиги клиник кечишига ва оғирлик даражасига боғлиқ холда юрак қон томир зарарланишлари, метаболик синдром ва қўшимча касалликлар учраш частотаси ва хусусиятларини аниқлаш;

подагра касаллиги билан касалланган беморларда кардиоваскуляр бузилишлар хавф омиллари ва жамланган коронар хавфни баҳолаш;

подагра касаллигининг клиник кечиш варианты ва артериал гипертензия фонида юракнинг структур-функционал бузилишларини тахлил қилиш;

подагра касаллигини даволашда самарали медикоментоз ва номедикоментоз даво усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг обекти сифатида 2015- 2021 йилларда Самарқанд давлат медитцина институти 1-клиникаси маслаҳат поликлиникаси, кардиология, ревматология бўлимларида подагра ташхиси билан даволанган 105 беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети веноз қон, капилляр қон, биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардоби ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал, антропометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

подагра касаллигида кардиоваскуляр зарарланишларнинг клиник кечиши гиперурикемия ва дислипидимия ривожланиши орқали асосий касалликнинг оғирлик индекси билан боғлиқлиги аниқланган;

подагра билан касалланган беморларда жамланган коронар хавф даражаси ва асосий касалликнинг клиник кечиши қон томир деворида кузатилган ўзгаришлар натижасида хавф омилларнинг ортиши билан ўзаро тўғри корреляцион ($r=0,86$) боғлиқлиги аниқланган;

подагра билан касалланган беморларда чап қоринча миокард массаси сақланган ҳолда унинг концентрик ремоделлашуви оқибатида 34,1% текширишларда диастолик дисфункция ривожланиши аниқланган;

подаграли беморларда касаллик асоратлари ва юрак қон томир зарарланишини олдини олишда комбинирланган ва гипоурикемик даволаш усуллари самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

подагра касаллигига диагноз қўйиш давомида беморлардаги кардиоваскуляр касалликларни ҳамда метаболик ўзгаришларни эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида комплекс текширувларни ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар таклиф қилинган;

подагра билан касалланган беморлардаги юрак қон томир системасининг шикастланиш белгиларини аниқлаганда бу симптомларнинг асосида организмдаги ёғ алмашинувининг бузилиши ётишини инobatга олишимиз мақсадга мувофиқлиги асосланган;

подагра билан касалланган беморларда юрак қон-томир зарарланишларини эрта аниқлашда жамланган коронар хавфни баҳолаш асосида қўшимча ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

подагра касаллигида даволашнинг клиник лаборатор ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган, касалликни кучайиш частотасини камайтиришга, узоқ муддатли ремиссияга эришишга ва ножўя оқибатларга йўл қўймасликка имкон берадиган табақалаштирилган даволаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, антропометрик усуллар ҳамда этарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни ҳалқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун муҳим бўлиб, клиник-функционал, биокимёвий, инструментал маълумотларни баҳолаш орқали подагра билан касалланган беморларда юрак қон томир касалликлари ривожланишининг патогенетик механизмларини очиб бериш, ҳамда беморларда табақалаштирилган даволашни такомиллаштириш учун қўшимча диагностика мезонлари таклиф қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти подагра касаллигида юрак қон-томир тизими функционал ҳолатини ўрганиш орқали даволашнинг дифференциал усулларини ишлаб чиқиш, касалликни авж олишини назорат қилиш, касалхонада даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш ҳавфини камайтириш ва беморлар саломатлигини сақлашга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Подагра ва юрак қон томир зарарланишларининг коморбид кечуви: диагностика ва даволаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

подагра касаллиги билан касалланган беморларда миокарднинг структур-функционал ҳолати бузилишларини эрта аниқлаш ва бошқариб бўладиган хавф омилларини бартараф қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Подагра билан касалланган беморларда миокарднинг структур-функционал ҳолати бузилишларини эрта аниқлаш

алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/411- сонли малумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларни хавф гуруҳини аниқлаш, подагра касаллигида юрак қон томир зарарланишининг эрта профилактикаси имконини беради.

подагра касаллиги билан касалланган беморларда юрак коронар хавф омилларини баҳолаш орқали касалликни даволаш усулларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган “Подагра касаллиги билан касалланган беморларда жамланган юрак коронар хавф омилларини эрта аниқлаш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/412- сонли малумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома коронар хавф кўрсаткичларини эрта аниқлаш ва беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

подагра касаллиги билан касалланган беморларда кардиоваскуляр хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Навоий вилояти кўп тармоқли шифохонаси ва Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17932- сонли малумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 9 та мақола, улардан 7 та республика ва 1 та халқаро ва 1 та Scopus журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси доирасида илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти амалий тиббиётда тадқиқот

натижаларининг амалга оширилиши, нашр этилган ишлар ва Диссертация тузилиши тўғрисида малумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Подагра касаллиги ва юрак қон томир зарарланишларининг клиник кечиши ва унга коморбид ҳолатлар ҳақида замонавий қарашлар**» номли биринчи бобида юрак қон томир тизими зарарланишларида гиперурикемиянинг ўрни ҳамда подагра, кардиоваскуляр зарарланишлар, метаболик синдром ва йўлдош касалликларнинг биргаликда кечув хусусиятлари, подагра касаллигида юрак қон томир тизими зарарланишларининг хавф омиллари ва миокард структураси ва функцияларининг ўзгаришлари бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилиш даражаси тўлиқ кўриб чиқилган. Адабиётлар шарҳида касаллик патогенези, тарқалиши, диагностикаси ҳақидаги замонавий ғояларга бағишланган бўлиб, мавжуд адабиёт маълумотларини умумлаштиради, ўрганилаётган муаммонинг ҳал қилинмаган томонларини ёритиб беради. Диссертациянинг биринчи бобида 151 та адабиёт маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Текширув материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, клиник материалнинг умумий хусусиятлари, клиник-лаборатор ва статистик тадқиқотлар усуллари тўғрисида батафсил малумотлар келтирилган.

Беморларни текшириш ва даволаш Самарқанд давлат медитсина институти 1-клиникаси кардиология, ревматология бўлимлари ҳамда маслаҳат поликлиникасида олиб борилди. Текширувлардан 105 нафар подагра касаллиги билан касалланган беморлар ўтказилди. Беморларни текширув учун йиғиш ва олиб бориш 2015-2021 йилларда ўтказилди.

Беморларнинг ўртача ёши $55,9 \pm 8$ ёшни (29 дан 74 ёшгача) ташкил этди. 43 ёшгача-14,28%, 44дан 58 ёшгача-56,2%, 59 дан 73 ёшгача 27,6% ва 74 ёшдан юқори-1,9% ни ташкил этди. Касаллик бошланишидаги беморлар ўртача ёши $44,8 \pm 8$ ёшни ташкил этди. Кўпчилик беморларда (71,1%) касаллик бошланиши 35-52 ёш оралиғида кузатилди. Касалликнинг мурожат қилгандаги ўртача давомийлиги 7,2 (1,0;21,0) йилни ташкил этди.

Текширув учун сийдик хайдовчи дорилар истеъмол қилаётган, оғир даражали буйрак етишмовчилиги бор беморлар, оғир даражали ўпка-юрак ва юрак етишмовчилиги мавжуд беморлар, онкологик касаллиги бор беморлар олинмади.

Беморлар анамнези сўраб суриштирилганда касалликка ташхис қўйилгунга қадар артрит белгилари мавжудлиги қайд қилинади. Бирламчи кўрик вақтида 28 нафар 26,7% беморда ўткир подагрик артрит қайд этилди, 12 нафар беморда (11,4%) артрит чўзилиб кечганлиги аниқланди (3 ҳафтадан 3 ойгача), 29 нафар беморда эса (27.6%) сурункали артрит белгилари аниқланди (3 ойдан ортиқ давом этган).

Касалликнинг охириги бир йиллигида рецидивлар ўртача 3,0 (1,0;6,0) мартани ташкил этди. Шунингдек охириги бир йил давомида 98 нафар беморда (93,3%) артрит хуружлари сони 1 дан 6 мартагача етди ва 7 (6,7%) нафар беморда бу хуружлар 6 дан 9 мартагача кузатилди.

Беморларда умум клиник текширувлар билан биргаликда антропометрик текширувлар ҳам ўтказилди. Беморларда бел айланаси (БА) ва сон айланаси (СА), уларнинг нисбати (БА/СА), бўй узунлиги ва вазни аниқланди. Тана масса индекси (Кетле индекси) кг/м² ҳисоблаб чиқилди.

Беморлар бел айланаси ва сон айланаси тик турган ҳолатда соннинг ўрта учлигидан ва қориннинг киндик соҳасидан см тасма ёрдамида ўлчанди. Беморлар сон айланасининг 94 см ва ундан кичик бўлиши нормага қиёсланди. БА/СА нисбати ҳисоблаб топилиб 1 ва ундан ортиқ бўлиши вицерал тип семизлик деб баҳоланди.

Тана масса индекси 18,5 дан 24,9 кг/м² бўлган беморлар нормага қиёсланди, бу кўрсаткич 25 дан 29,9 кг/м² гача бўлганлари нормадан ортиқ, 30 кг/м² дан юқориси семизлик, 40 кг/м² ва ундан юқори кўрсаткич ўта семизлик деб баҳоланди.

1-жадвалда антропометрик кўрсаткичлар таҳлили ёритилган. Беморлар орасида I-даражали семизлик 25 (65.78%) нафар беморда, II-III даражали семизлик шунга мос равишда 9(23.68%) ва 4(10.5%) беморда аниқланди.

1-жадвал

Подагра касаллиги билан касалланган беморларнинг антропометрик кўрсаткичлари(n=105)

Кўрсаткичлар	Натижалар
Бўй узунлиги, м	1,73 (1,66;1,81)
Вазни, кг	89,7(64;108)
ТМИ кг/м ²	29,6 (20,6;35,2)
Тана масса индексига кўра беморларнинг тақсимланиши	
1. Норма (<25,1 кг/м ²)	9(8,6)
2. Ортиқча вазн (25,0-29,9 кг/м ²)	58(55,23)
3. Семизлик (≥30 кг/м ²)	38(37,26)
Бел айланаси, см	103,8±12,2
Сон айланаси, см	102,6±9,1
БА/СА	1,012±0,06

Диссертациянинг «Подагра касаллигида кардиоваскуляр зарарланишлар ва уларнинг хавф омиллари» деб номланган учинчи боби доирасида касалликнинг кечиш ҳолати тўлиқ ёритилган. Ушбу бобда илмий тадқиқот подагра касаллиги билан касалланган беморларда бўғим синдроми, кардиоваскуляр зарарланишлар ва уларнинг қиёсий таҳлили, метаболик синдромнинг учраши, кардиоваскуляр зарарланишлар хавф омиллари аниқлаш параметрлари асосида амалга оширилган.

Артериал қон босими (АҚБ) аускултация ёрдамида Коротков усулида аниқланди. Артериал қон босими (АҚБ) 3 марталик ўлчаш орқали аниқланди, ҳар бир қон босимини ўлчаш оралиғи 5 минутни ташкил этди. Бунда бемор тинчланган ҳолатда ётган ёки ўтирган ҳолатда текширув олиб борилди, бемор қўли юрак ўқи билан бир хил текисликда жойлаштирилди. Гипотензив дори воситаларини истеъмол қилмаган беморларга ВОЗ/МОАГ (1999) критериялари бўйича артериал гипертензия ташхиси қўйилди (бунда

систолик артериал қон босими (САҚБ) ≥ 140 мм.сим.уст. диастолик артериал қон босими (ДАҚБ) ≥ 90 мм.сим.уст).

Текширув вақтида артериал гипертензия 76 (72,38%) беморда аниқланди. Артериал қон босими ўртача баландлик даражаси систолик артериал қон босими (САҚБ)- $147,2 \pm 14,0$ мм.сим.уст, диастолик артериал қон босими (ДАҚБ)- $96,0 \pm 9,4$ мм.сим.уст, пулс босими $51,8 \pm 8,6$ мм.сим.уст ташкил этди.

Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) 40 (38,09%) беморда аниқланди, шулардан 10 (25%) нафар беморларда МИ ташхиси қўйилганлиги қайд қилинди. 30 (75%) нафар беморда барқарор зўриқиш стенокардиясининг II-III функционал синфлари қайд қилинди, фақатгина 4 (3,8%) беморда анамнезида бош миёда қон айланишининг бузилиши мавжудлиги аниқланди.

Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ташхиси Нью-Ёрк кардиологлар ассотциатсияси (1995) томонидан ишлаб чиқилган ташхис мезонлари асосида қўйилди. СЮЕ I-II ФС ташхис ҳаммаси бўлиб 24 (22,86%) беморда аниқланди.

Метаболик синдром АҚШ миллий соғлик институти томонидан ишлаб чиқилган мезонлар асосида ташхисланди. Метаболик синдром куйида қайд этилган мезонларнинг камида 3 таси аниқланган тақдирда тасдиқланди:

- бел айланаси >102 см;
- оч қоринда қонда глюкоза миқдори $>6,1$ ммол/л;
- ЮЗЛП $<1,6$ ммол/л;
- САҚБ ≥ 135 мм.сим.уст ва/ёки ДАҚБ ≥ 85 мм.сим.уст;
- триглециридлар $\geq 1,69$ ммол/л;


Метаболик синдром текширувдаги беморлар орасида 56 (53,3%) нафар беморда қайд қилинди.

ЮИК касаллик қайталаниб кечган беморлар орасидан 16 (28,57%) нафарида, касаллик сурункали кечган беморларда 20 (48,97%) нафарида қайд қилинди. Фақатгина 5 нафар бемордагина ЮИК ташхиси статсионарда аниқланди, бундан кўришиб турибдики беморлар касаллик ҳақида малумотга эгалар (88%). ЮИК касаллиги билан касалланган беморлар орасида 5 нафарида миокард инфаркти анамнез ва ЭКГ текширувида аниқланди. 30 (75%) нафар беморда ЮИК нинг барқарор зўриқиш стенокардияси I-II-III функционал синфлари қайд қилинди.

I-расмдан кўринадикки барқарор зўриқиш стенокардиясининг II-III функционал синфлари касаллик сурункали кечган беморларда, касаллик қайталаниб кечганларга нисбатан кўпчиликни ташкил этди.

ЮИК нинг бошланиш ёши ўртача $51,65$ ($48,8; 57,3$) ёшни, ЮИК давомийлиги эса ўртача $4,2$ ($2,1; 7,0$) йилни ташкил этди. Бунда ЮИК билан касалланган беморлар бу касаллик билан касалланмаган беморларга нисбатан умумий олиб қараганда 3 ёшга катталиги аниқланди ($55,6$ ($51,1; 61,92$) ва $53,2$ ($48,1; 59,2$) мос равишда ($p < 0,01$)). Касалланганлар орасида 10 нафар беморда ЮИК биринчи подагра хуружи вақтида юзага келганлиги аниқланган бўлса

қолган 30 нафар беморда ЮИК подагра касаллиги фонида юзага келганлиги аниқланди.



1-расм. Подагра касаллиги билан касалланган беморларда ЮИК учраш частотаси ва тавсифланиши.

Сурункали юрак етишмовчилиги бор ва у йўқ бўлган беморларда бўғим синдромининг оғирлик даражаси ўрганилди. Қуйида 2-жадвалда беморлардаги бўғим синдромининг СЮЕ бор ёки йўқ беморлардаги хусусиятлари келтириб ўтилган.

Ушбу жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики СЮЕ мавжуд беморларда бўғим синдроми оғир кечади. СЮЕ мавжуд бўлган беморларда тери ости тофуслари, рентгенологик суяк ичи тофуслари сони СЮЕ мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан юқори кўрсаткичларни ташкил этди. Гиперурикемия ҳар иккала гуруҳ беморларда кузатилди, аммо қон зардобидаги сийдик кислотасининг миқдори ЮИК мавжуд бўлмаган беморларда бу касаллик мавжуд бўлганларга қараганда юқорироқ эканлиги аниқланди (594 (431; 630) аксинча 568 (427; 623) мкмол/л, мос равишда ($p < 0,05$)).

2-жадвал

Подагра касаллиги билан касалланган беморларда СЮЕ ва бўғим синдроми боғлиқлик хусусиятлари

Кўрсаткичлари	СЮЕ		P
	Бор (n=24)	Йўқ (n=81)	
Касаллик давомида зарарланган бўғимлар сони, n	14,0(7,0; 16)	11,0(6,0;5,0)	<0,001
Кўрик вақтида зарарланган бўғимлар сони, n	6,0(4,0; 8,0)	5,0(1,0; 8,0)	<0,01
Касалликнинг охириги хуружи давомийлиги, ҳафта	8,0(2,0; 10,0)	6,0(1,0;9,0)	<0,001
Йил давомида артрит частотаси, n	4,0(2,0; 8,0)	4,0(1,0; 9,0)	<0,01
Тофуслар,%	53	44	<0,01
Сийдик кислотаси, мкмол/л	567(426;623)	593(432;630)	<0,01
Оғирлик индекси, балл	3,41(2,9; 4,3)	2,92(2,3; 3,9)	<0,05

Изох: -<0,05, бунда тадқиқотдаги кўрсаткичлар СЮЕ мавжуд ва мавжуд бўлмаган гуруҳларга нисбатан.

Текширувдаги беморлар орасидан 56 (53,3%) нафар беморда метаболик синдром ташхиси қўйилди. Подагра касаллиги қайталаниб кечган

беморларда метаболик синдром 44.64% беморда, касаллик сурункали кечган беморларда эса бу синдром 67,4% эканлиги аниқланди.

Метаболик синдром мавжуд бўлган беморлар ўртача ёши 55,75±9,2 ни ташкил этган бўлса, бундай синдром мавжуд бўлмаган беморларнинг ўртача ёши 53,25±8,4 ёшни ташкил этди. Касалликнинг давомийлиги эса мос равишда 8,75±0,26 ва 6,2±0,22 йилни ташкил этди. Метаболик белгилар учраш частотаси касалланганлар орасида анча юқори кўрсаткичларни ташкил этди, бу кўрсаткичлар 3-жадвалда келтириб ўтилди.

3-жадвал

Подагра касаллиги билан касалланган беморларда метаболик синдром белгиларининг учраш частотаси

Кўрсаткичлари	Касаллик кечиши			
	Қайталаниб (n=56)		Сурункали (n=49)	
	N	%	N	%
БА >102 см	23	41,08	28	57,1
ТГ ≥1,69	40	71,42	36	73,46
ЮЗЛПХС <1,6 ммол/л	29	52,12	43	88,1
САҚБ ≥135 мм.сим.уст ва ёки ДАҚБ ≥89 мм.сим.уст	40	71,42	36	73,5
Глюкоза >6,1 ммол/л	32	57,14	5	1,0

Изох: тадқиқотдаги кўрсаткичлар касаллик кечишига кўра ажратилган гуруҳларга нисбатан.


Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, бу иккала гуруҳ беморларда касаллик оғирлик индексининг иккита компоненти: зарарланган бўғимлар сони (11(6; 16) аксинча 10(5; 16) ва қон плазмаси таркибидаги сийдик кислота миқдори 590,0 (384,0;630,0) аксинча 582,0 (436,0; 624,0) мкмол/л деярли бир хил кўрсаткичларни намоён этди ($p < 0.002$).

Подагра касаллиги қайталаниб кечган беморларда метаболик синдромнинг қуйидаги белгилари кўпроқ учради: АҚБ кўтарилиши (71,4%), ТГ лар миқдорининг ошиши (71,42%), гипергликемия (57,14%) ва ЮЗЛПХС лар миқдорининг камайиши (52,1%). Ушбу гуруҳдаги беморларда виссерал типдаги семизлик 23 (41,7) нафар беморда кузатилди. Подагра касаллиги сурункали кечган беморларда метаболик синдромнинг қуйидаги белгилари кўпроқ учради: АҚБ кўтарилиши (73,5%), триглицерид (ТГ) лар миқдорининг ошиши (73,46%), вицерал типдаги семизлик (57,1%) ва ЮЗЛПХС лар миқдорининг камайиши (88,1%). Ушбу гуруҳдаги беморларда қондаги глюкоза миқдорининг кўтарилиши энг кам кўрсаткичда қайд қилинди (51,0%).

Метаболик синдром мавжуд беморларда артериал гипертензия (АГ) 79,2 % ҳолатда кузатилган бўлса, ушбу синдром мавжуд бўлмаган беморларда 64,3% ни ташкил қилди. ЮИК билан касалланганлар метаболик синдром мавжуд бўлганлар орасида 43,7% ни ташкил қилди, метаболик синдром мавжуд бўлмаган беморларда эса ушбу касаллик 7 (14,28%) нафарни ташкил қилди (Миокард инфаркти билан касалланган беморларнинг 8 нафаридан 7 нафарида метаболик синдром мавжудлиги қайд қилинди). Сурункали юрак

етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларнинг 24 нафаридан 19 (33,93%) нафарида метаболик синдром мавжудлиги қайд қилинган бўлса, 5(10,2%) нафар беморда ушбу синдром аниқланмади.

Шуни инобатга олиш керакки метаболик синдроми мавжуд бўлган беморларда АГ, ЮИК (миокард инфаркти) ва СЮЕ кўпроқ кузатилди ($p < 0.05$) 2-расм).



2-расм. Метаболик синдроми мавжуд бўлган подагра билан касалланган беморларда кардиоваскуляр бузилишлар частотаси

Подагра касаллиги билан касалланган ҳар иккала гуруҳдаги беморлар (касаллик қайталаниб кечган (n=56) ва сурункали кечган (n=49)) кардиоваскуляр хавф омилларининг учраш частотаси 4-жадвалда келтириб ўтилди.

4-жадвал

Подагра касаллиги билан беморлардаги кардиоваскуляр хавф омиллари


Хавф омиллари	Касаллик кечуви			
	Қайталаниб n=56		Сурункали n=49	
	N	%	N	%
Асосий ХО				
Ёш >55	17	30,22	28	57,2
Чекиш	4	7,13	9	18,37
САҚБ ≥ 140 мм.сим.уст	40	71,44	36	73,55
ХС > 6,5 ммол/л	42	75,2	28	57,2
ЮЗЛПХС < 1,6 ммол/л	29	51,74	43	87,8
Қўшимча ХО				
ТМИ ≥ 25 кг/м ²	47	83,94	48	97,7
ТГ > 2,3 ммол/л	27	48,4	27	54,8
Қандли диабет 2 тип	5	8,9	16	33,3
Анамнезида ЮИК	16	28,57	24	48,97

Изох: тадқиқотдаги кўрсаткичлар касаллик кечишига кўра ажратилган гуруҳларга нисбатан.

4-жадвалдан кўринадики текширувдаги беморларнинг асосий қисмини (42,86%) 50 ёшдан кичик беморлар ташкил этган. Асосий кардиваскуляр хавф омиллари орасидан бошқа хавф омилларига қараганда САҚБ кўтарилиши (72,38%), ЮЗЛПХС лар миқдорининг камайиши (68,9%) ва умумий ХС лар миқдорининг ортиши (66,7%) кўпроқ кузатилди. Чекувчилар сони камчиликни ташкил қилди (12,2%). Қўшимча хавф омиллари ичидан энг кўп ҳолатларда ТМИ нинг ортиши (90,0%) ва ТГ миқдорининг юқорилиги кузатилди (51,1%). Оилавий анамнез суриштирилганда 38,09% ҳолатда беморлар яқин қариндошларида ЮИК аниқланди, қандли диабет билан касалланган бемор яқинлари сони 21 (20,0%) нафарни ташкил қилди. Ушбу қисмда барча текширувдаги 105 нафар беморда кардиваскуляр хавф омилларини аниқлаш мақсадида ҳамма текширув усуллари маълумотлари келтириб ўтилган.

Подагра касаллиги билан касалланган жами 105 нафар беморда юрак жамланган коронар хавфини аниқладик.

Коронар хавфнинг энг кичик фоизи (5% дан кам) фақатгина 11 (10.47%) беморда кузатилди. 37 (35,2%) нафар беморда ўртача даражадаги (5-20%) коронар хавф аниқланди. Касалланганларнинг асосий қисмини (57%) 55 ёшдан кичик беморлар ташкил этганига қарамасдан, 54,4% беморларда юқори даражадаги (20% дан ортиқ) коронар хавф аниқланди. Юқори коронар хавф мавжуд бўлган беморлардан 18 (17,14%) нафарида коронар хавфнинг фоиз кўрсаткичи 20-30% оралиғини ташкил қилди, яна 18 (17,14%) нафар беморда коронар хавф 30-40% атрофида аниқланган бўлса, қолган 21 (20,0%) нафар беморда бу хавф 40% дан ошганлигини аниқладик. (3-расм).



3-расм. Подагра билан оғриган беморларда коронар хавфнинг кўрсаткичлари

Кутилганидек, асосий хавф омиллари ва коронар хавф ўртасида тўғри коррелятсион боғлиқлик кузатилди ($n=0.25$, $p<0.01$). Масалан, бир нафар асосий хавф омили аниқланган беморларда коронар хавф 11% (2-29%) ни, иккита асосий хавф омили аниқланганда коронар хавф 22% (2-50%) ни, уч ва ундан ортиқ асосий хавф омили аниқланганда беморларда коронар хавф 31% (10-50%) ни ташкил қилди. Асосий хавф омилларидан бирор бир оми аниқланмаган беморларда коронар хавф 5% (2-16%) ни ташкил қилганлигини қайд қилдик.

Коронар хавфни аниқлаш мақсадида беморларни 2 гуруҳга бўлиб ўргандик: биринчи гуруҳга коронар хавфи 20% дан кам беморлар ва иккинчи гуруҳга коронар хавфи юқори (20% дан ортиқ) бўлган беморлар. ЮИК ва ёки 2-тип қандли диабет (ҚД) бор беморлар иккинчи, яъни коронар хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳига киритилди.

Коронар хавф кичик бўлган ($<20\%$) беморларда сийдик кислота(СК) миқдори $574,62\pm 110,25$ ни ташкил қилган бўлса, коронар хавф юқори бўлган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич $574,92\pm 115,85$ мкмол/л ни ташкил қилди.

Аниқландики, ҳар ўн йилликда беморларда коронар хавф ошиб боради, бу кўрсаткичнинг юқори даражалари 5-10 йилликдан бошлаб яққол намоён бўлди ($p<0.01$). Беморлар ёши катталашиб борган сари САҚБ шунга параллел равишда ошиб борди ($p<0.01$). Барча ёш гуруҳларида холестирин миқдори юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Беморлар ёши ва холестирин (ХС) лар миқдори, ЮЗЛПХС, СК миқдорининг боғлиқлигини ўрганишнинг имкони бўлмади (ҳамма ҳолатларда. Подагра билан касалланганларда ёш нисбати ошиб борган сари қон таркибидаги ТГ лар миқдори камайиб бориши кузатилди. Бу маълумотлардан кўринадики, юрак қон томир касалликларининг подагра касаллигида юзага келиши нафақат ёши катта беморларда, балки кичик ёшдаги беморларда ҳам кузатилиш хавфи юқори.

